



ИЧИМЛИК СУВ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ ОРТИБ БОРМОҚДА

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Дунёда кечаётган глобал иқлим ўзгаришлари, аҳоли сони ва иқтисодий тармоқларининг ўсиши ҳамда инсониятнинг сувга бўлган талабининг ошиб бориши натижасида сув ресурслари тақчиллиги йилдан йилга ортиб бормоқда. Бу борада изланишлар олиб бораётган жаҳон олимлари янги сув манбаларини топиш билан бирга, мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бунда замонавий энергия тежамкор технологияларни амалиётга кенг жорий этиш лозимлигини таъкидламоқда.

Мамлакатимизда сувга бўлган талаб юқори. Айниқса, чекка ҳудудларда нафақат ер майдонларини суғориш, балки аҳолининг кундалик эҳтиёжи учун зарур ичимлик сув етказиб беришда айрим муаммолар учраб туради. Аммо бундай ҳолатларнинг олдини олиш, ичимлик сувига бўлган талабини қондириш борасида сўнги йилларда изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз раислигида 17 июль куни ўтказилган ҳудудларда ичимлик суви ва канализация тизимини яхшилаш, куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини жадаллаштириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида ушбу соҳада йиғилиб қолган қатор масалалар танқидий муҳокама қилинди.

Ҳозир республиканинг барча ҳудудларига ичимлик сув тизимли равишда етиб боришни таъминлаш бир қатор ташкилотлар, хусусан, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги олдида турган долзарб вазифалардан бирига айланган. Мазкур йўналишда барча ҳудудлар, жумладан, пойтахт вилоятида ҳам сезиларли ишлар қилинмоқда.

Тошкент вилояти аҳолисининг ичимлик сув билан таъминланганлик даражасини ўртача деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ бу борадаги кўрсаткичларни янада ошириш мақсадида уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

2019 йилда 447,2 миллиард сўм марказлашган маблағ ҳисобидан 84 та объектда қурилиш ва реконструкция ишлари тўлиқ якунланиб, эксплуатацияга топширилди. Ушбу лойиҳаларнинг амалга оширилиши орқали узоқ йиллар давомида ичимлик сув етиб бормаган аҳоли пунктларида истиқомат қилувчи 241 минг аҳолининг сув таъминоти яхшиланди, 200 минг нафардан ортиқ киши илк бор марказлашган ичимлик сув билан қамраб олинди.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҲАМ ВАҚТНИ, ҲАМ НАҚДНИ ТЕЖАЙДИ

Айни пайтда вилоятнинг шаҳар ва туманларида ичимлик сув инфратузилмасини ривожлантиришда замонавий энергия тежамкор технологияларни

амалиётга жорий этиш ишлари бошлаб юборилган.

— 2019 йилда амалга оширилган қурилиш ва реконструкция ишлари жараёнида Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ, Оҳангарон, Бекобод, Янгийўл шаҳарлари ва бошқа ҳудудлардаги ичимлик сув объектларида замонавий энергия тежайдиган технологияларни модернизация ва жорий қилиш орқали электр энергияси харажати 15-18 фоиз камайтирилишига эришилди, — дейди “Тошкент сувтаъминоти” МЧЖ бош муҳандиси Сайфиддин Сирождидинов. — Бу эса 1 йилда 8 миллиард сўмдан ортиқ маблағ иқтисод қилинди, дегани. Биргина “Тошкент сувтаъминоти” МЧЖ Олмалиқ шаҳри бўлимига қарашли сув иншоотлари ва насос станцияларида 1 878,7 минг евро эвазига 5 йил муддатга техник кредит асосида харид қилинган, электр энергияси сарфини тежайдиган 70 та замонавий насосни ўрнатиш ишлари босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Келгусида соҳага бундан-да замонавий технологияларни жорий қилиш, бунинг учун ҳамкорлик лойиҳалари доирасини кенгайтириб, манфаатли инвестициявий шартномалар тузиш мақсад қилинган.

Корхона, шунингдек, ичимлик ва оқова сув тармоқларини яхшилашга қаратилган режаларни ишлаб чиққан. Унга кўра, 2020 йилда 161,6 миллиард сўм маблағ ҳисобига ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш-реконструкция қилиш белгиланган бўлиб, ҳозир 18 та объектда қурилиш-монтаж ишлари амалга ошириб келинмоқда.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ВА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР

Айни кез вилоятда сув таъминотини яхшилашда халқаро молия институтлари иштирокида ҳам йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Улардан бири Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда йўлга қўйилган “Тошкент вилояти шаҳар ва туманларида ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш” лойиҳасидир. 2017-2021 йилларга мўлжалланган мазкур лойиҳанинг умумий қиймати 143,8 миллион АҚШ долларига тенг. Шундан халқаро молиявий муассасанинг кредит

маблағлари улуши 120,9 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Жараённинг илк босқичида Осиё тараққиёт банки қоидаларига мувофиқ ўтказилган тендер асосида қурилиш-монтаж ишларини бажарувчи пудратчи компаниялар танлаб олинган. Ҳозир 3 босқичли лойиҳанинг биринчи босқичи — “Тошкент вилояти шаҳар ва туманларида ичимлик сув тизимларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш” амалга оширилмоқда. Унинг натижасида Тошкент вилоятининг Қибрай, Зангиота ва Тошкент туманларидаги 58 та қишлоқ аҳоли пункти ва лойиҳа ҳудудларида яшовчи 265 мингдан ортиқ аҳолининг тоза ичимлик сув таъминоти яхшиланиши кутилмоқда.

— Бугун аҳолига сув таъминоти масаласида қатор қулайликлар яратилаётганига қарамай, айрим фуқароларнинг сувдан бемақсад фойдаланаётгани, хонадонларда ҳанузгача сув ҳисоблагичлар ўрнатилмагани киши дилини хира қилади, — дейди Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ахборот хизмати бош мутахассиси Зулхумор Уралова. — Тошкент вилоятида жами 314 669 та абонент мавжуд бўлиб, шундан 216 655 (68,9 фоиз) тасига сув ҳисоблагич ўрнатилган. Ваҳоланки, фақат истеъмол қилинган сув учун ҳақ тўлаш имконини берадиган ушбу қурилмалар фуқароларнинг ўз фойдасига хизмат қилади. Бугун дунё микросида чучук сув танқислиги глобал муаммага айланган ва ҳар бир томчи сувни кўз қорачиғидек эъзозлашимиз керак бўлган бир пайтда юртимизда барча коммунал тўловлар ичида энг арзони ҳисобланган бу неъматни қадрсизлаш келажак авлодларимизни инқироз ёқасига олиб келишимизга сабаб бўлмасмикин. Бунга йўл қўймаслик учун ҳар бир киши ўз масъулиятини чуқур ҳис қилган ҳолда сув ҳисоблагичлар ўрнатиб, тўловларни ўз вақтида тўлаб борса, юрт равнақиға, хусусан, ичимлик сув танқислигидан қийналаётган ҳудудлардаги аҳолининг оби ҳаётдан баҳраманд бўлишига муносиб ҳисса қўшади.

Ҳудудларни ичимлик сув билан таъминлаш ишлари бундан кейин ҳам фаол давом эттирилади. Вилоятда ичимлик ва оқова сув инфратузилмасини ривожлантириш бўйича истиқболли режалар тузилган. Хусусан, 2021-2023 йиллар давомида 56 та ичимлик сув ва 13 та оқова сув тармоғининг қурилиш лойиҳаларини амалга ошириш учун тақлифлар киритилган бўлиб, шундан 1019,5 км. ичимлик сув ва 26,1 км. оқова сув тармоқларини тортиш, 130 та ичимлик сув ҳамда 25 та оқова сув объектини қуриш режалаштирилган.